

МОДУЛЛИ ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАСИ

Алижанов Д., Жуматов Я.К., Холбутаев М.О. – ТИҚХМИИ

Abstract. In the paper provided an example of a modular livestock farm for 20 cows build from concrete structures and recommended for individual household and other farmers by using new method of building.


Кишлоқ хўжалиги аҳолиси асосан ўзининг шахсий, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари ва паррандаларини боқиб чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланади. Бундай кичик ҳажмда чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи фермаларда чорва моллари ва паррандаларнинг бош сони кам бўлганлиги сабабли кўп ҳолларда фермерлар ўзлари қурган иншоатлардан фойдаланади. Уларни қуришда чорвачилик иншоатларини қуриш меъёрлари ва қоидаларига риоя қилинмаганлиги сабабли механизациялашганлик ва автоматлаштирилганлик даражаси жуда паст. Натижада кўпчилик технологик жараёнларни бажариш қўл меҳнатига асосланган, бу эса меҳнат сарфларини юқори ва маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигининг паст бўлишига олиб келади.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни тармоқнинг материал базасини такомиллаштиришдан, юқори механизациялашган ва автоматлаштирилган технологияларни ва меҳнатни ташкил этиш истиқболли шаклларини жорий этмасдан эришиб бўлмайди.

Чорва моллари ва паррандаларни яхши шароитда сақлаш учун катта чорвачилик фермаси ва комплексларининг механизациялашганлик даражасига тенглаша оладиган иншоатлар қуриш керак. Лекин, бу катта молиявий ва меҳнат сарфларини талаб этади. Кичик ҳажмда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кўпчилик фермалар эски лойиҳалар асосида қурилган ёки мутлақо лойиҳасиз қурилаётганлиги кўпчиликка маълум, бундай фермаларда замонавий техникаларни қўллаб бўлмайди.


Демак, кичик фермаларни ривожлантиришнинг оптимал вариантларидан бири эгилувчан ўлчамли блокли, темир-бетонли конструкциялар асосида модулли, тез қуриладиган фермаларни қуриш долзарб ҳисобланади. Модулли ферманинг қурилиш конструкциялари енгил типда бўлиб тез йигилувчан ва қиска муддатда ишга тушириладиган бўлиши керак. Бунинг учун модулли фермаларни лойиҳалаш ва қурилиш конструкцияларини марказлаштирилган холда завод шароитида ишлаб чиқарилиб реализацияга чиқарилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Модулли фермаларни қуриш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича катта тажрибалар чет давлатларда мавжуд [1;2;3]. Мисол тариқасида модулли фермаларни ташкил этиш бўйича сут йўналишидаги 20 бош соғин сигирга мўлжалланган ферма учун сигирхонани кўриб чиқамиз (1ва 2-расмлар).



1-расм: Сигирхонанинг умумий кўриниши.

1-темир бетон конструкцияли девор; 2-концентрат озуқаларни сақлаш хонаси; 3-кундалик жой; 4-машина бўлмаси ва элётр шит хонаси; 5- профилакторя хонаси; 6-тамбур; 7-сигирларнинг озиқланиш жойи; 8- гўнг йўлаги; 9-сигирлар дам олиш жойи; 10, 12-гурухли сугоргич; 11-яйратиш майдончасига чиқиши йўлаги; 13, 16-озиқлантириш столи; 14-яйратиш майдончаси; 15-усти ёпиқ айвон.



2-расм: Молхона күндаланг кесими:

1-озуқа йүләги; 2-бордюр; 3-озиқлантириш столи; 4-устун; 5-брезент (ёки қалин полиэтилен) ўрами; 6-сигирлар озиқланиш жойи; 7-сигирлар дам олиш жойи; 8-гүнг йүләги; 9-тушамали пол; 10-түсин; 11-том; 12- плитали девор; 13-усти ёпиқ айвон.

Сигирхона деворлари енгил темир – бетонли конструкция (1) дан ийғилади (2-расм). Уларни ўрнатиш учун енгил фундамент қурилади. Темир – бетонли конструкцияга устун (4), түсин (10) деворлари учун плиталар (12) киради. Томи (11) темир профиллар билан ёпилади. Хона ён томони ва томидаги очиқ жайлар осма брезент ёки қалин плёнка (5) билан совук кунларда ёпилади ва иссиқ кунларда ўраб, йиғилиб очиб қўйилади. Вақт ўтиши билан фермадаги моллар сонини кўпайишини хисобга олиб бундай қурилиш конструкциясидаги сигирхоналарни ўнг томонидан осон кенгайтириш мумкин бўлади. Хона ичкарисида сигирлар озиқланиш (6) ва дам олиш (9) жайлари қурилади. Дам олиш жайларига майдаланган сомон ва ўтлардан тўшама солинади.

Озиқланиш ва дам олиш жайлари оралиғи 1,0 – 1,1 м масофада маҳсус конструкцияли темир панжаралар билан бўлинади ва поли 10 – 12 фоиз қияликда ҳамда узунлиги 1,7 – 1,9 м масофада қурилади. Поли эса 50 мм қалинликдаги тахтадан қилинади ёки чет эл компаниялари томонидан маҳсус резиналанган материалдан тайёрланган матраслар тўшалинади.

Материалларни ишлаб чиқаришни республикамиз корхоналарида йўлга қўйиш мумкин. Хона ичкарисида сигирларни нормал озиқланиши ва дам олиши учун қабул қилинган ўлчамлар сигирларнинг озиқланиши ва дам олишида бир – бирига ҳалақит бермаслигини, сигир танасининг охурга нисбатан перпендикуляр тўғри ва маълум микдорда қия жойлашишини таъминлайди. Натижада сигирларнинг қуюқ ва суюқ гўнглари сигирнинг ортқи аёғи тўғрисига ёки гўнг йўлагига тушиши таъминланилади ҳамда гўнгнинг гўнг ариқчасига тушмай қолган маълум қисми полнинг қиялиги ва сигирларнинг ётиш, турищдаги ва бошқа ҳаракатлари натижасида пастга қараб сурилиб, гўнг йўлагига тушиши таъминланилади.

Гўнгларни йиғиш ва ташқарига чиқариш учун хона ўрта қисмидан 2,0-2,2 м кенгликдаги гўнг йўлаги қолдирилади. Гўнг йўлаги (8) уч хил вариантда: тирқишли полли, занжирли қирғичли гўнг йиғиштириш қурилмасини қўллашга ёки осма булдозерни қўллашга мўлжалланган бетонланган полли қилиниши мумкин. Бизнинг шароитлар учун иккинчи ва учинчи варианtlарни қўллаш қулай, чунки хона кенгайтириладиган бўлса иккинчи вариант қабул қилинса занжирни узайтириш осон, учинчи вариантда осма булдозер учун фақат масофа катталашади.

Хона ичкарисига сув ичиш учун гурухли новлар (10) ўрнатилади(1-расм), шамоллатиш табиий ён томонларидан ва хона томи (11) конструкциясидаги очиқ жойлардан тоза ҳаво кириши билан амалга оширилади (2-расм). Хонада ҳаво алмашиниш даражаси меъёр талабларини таъминлай олмаса хона тепа қисмидан қўшимча вентиляторлар қўйилади.

Сутни соғиш ва бирламчи ишлов бериш маҳсус зал ва хоналарда амалга оширилади. Сигирхона ичкарисида концентрат озуқа сақлаш хонаси (2), кундалик жой (3), машина бўлими ва электр шит хонаси (4), профилактория хона (5) лари жойлаштирилади (1-расм).

Озуқаларни тайёрлаш ҳозирги кунда Республикаизда чет эл компаниялари томонидан келтирилган ИСРК-12 типидаги бир вақтда озуқаларни қабул қилиш, майдалаш, аралаштириш ва тарқатиш имконияти

бўлган кўчма қурилмани қўллаш тавсия этилади. Озуқаларни тарқатиш учун хона ва яйратиш майдончаси олд қисмида эни 1 м ва баландлиги 0,2 м озиқлантириш столи, эни 2,5 м бўлган, 2,2 м дан озуқа тарқатгич юрадиган ва $0,15 \times 0,15$ м бордюрли (4) озиқлантириш йўлаги бетондан қурилади (1-расм).

Хонадан чиқарилган гўнг махсус гўнг сақлагичда сақланади ва кейинчалик ишлов берилиб экин далаларига солинади. Юқорида қайд этилган технологияларни фермер оиласида бир ёки икки киши амалга ошириши мумкин бўлади.

Модулли чорвачилик фермалари учун Республикаизда чиқарилаётган ва кириб келаётган кичик, универсал техникаларни қўллаш имкониятини беради, қўл меҳнати камаяди ва натижада меҳнат сарфлари 1,5-2 баробар камаяди.

Хуноса. Бозор иқтисодиёти шароитида, сарфланган харажатларни тез қоплаш зарурлиги туфайли чорвачилик модулларини қўллаб фермерлар буюртмалари асосида барча талабларини қондирадиган ҳар хил вазифали фермаларни лойиҳалаш ва конструкциялаш мумкин бўлади, шахсий, дехқон хўжаликлари ва кўп тармоқли фермерлар учун модул типидаги фермаларни куриш оптимал ечим ҳисобланилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Е.Плаксин., А.В.Трифанов. Модулная животноводческая ферма // Журнал: Механизация и электрификация сельского хозяйства, №3, 2012 г.- 15-17 стр.
2. Н.М.Морозов, К.А.Федоров. Производительной базе молочного животноводства – оптимальные размеры. Журнал: Техника в сельском хозяйстве, №5, 1988 г., 22-24 стр.
3. “GEO Farm Technologies” компанияси чорвачилик фермалари лойиҳалари, Германия, 2018 й.

Муаллифлар тұғрисида маълумот

Фамилияси, исми, отасининг исми	<i>Алижанов Джасапар</i>
Мақола номи	<i>Модулли чорвачилик фермаси</i>
Илмий даражаси, илмий унвони	<i>Техника фанлари номзоди, доцент</i>
Контакт телефони ва <u>электрон почта манзили</u>	<i>Тел: +99897-711-20-68 dalidzhonov@mail.ru</i>
Яшаш манзили	<i>111804, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Буз-сув КФЙ, . С.Якубов күчаси,-55</i>

Муаллифлар тұғрисида маълумот

Фамилияси, исми, отасининг исми	<i>Жуматов Якуббой Каримбайевич</i>
Мақола номи	<i>Модулли чорвачилик фермаси</i>
Илмий даражаси, илмий унвони	<i>ассистент</i>
Контакт телефони ва <u>электрон почта манзили</u>	<i>Тел: +99897-434-59-52</i>
Яшаш манзили	<i>Ташкент шаҳар, Шайхантахур тумани, Уйғур кўчаси, Билдириши 1-уй.</i>

Муаллифлар тұғрисида маълумот

Фамилияси, исми, отасининг исми	<i>Холбўтаев Музаффар Одилович</i>
Мақола номи	<i>Модулли чорвачилик фермаси</i>
Илмий даражаси, илмий унвони	<i>Магистрант</i>
Контакт телефони ва <u>электрон почта манзили</u>	<i>Тел: +99893-299-68-91</i>
Яшаш манзили	<i>Ташкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Дархон махалласи, Қиёт кўчаси, 27-уй.</i>